



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМЖ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 14 апрел  
жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 72 (2369)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ("Тошуйжойинвестқурилиш")ни тугатиш тўғрисида

Капитал қурилишни янада ислох қилиш, қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш қийматини пайсатириш ва сифатини ошириш, ортиқча бошқарув бўғинларини тугатиш ҳисобига қурилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат муроти қўйилсинки, Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ("Тошуйжойинвестқурилиш") муассисларининг уни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тугатилган "Тошуйжойинвестқурилиш" корпорацияси таркибидан бўлган пудрат қурилиш трестлари ва ташкилотлари, саноят ҳамда транспорт корхоналари ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар мустақил юридик шахслар сифатида сақлаб қолинади ҳамда улар амал-

даги қонунчиликка мувофиқ уюшмаларга ва бошқа шакллардаги ҳужалик бирлашмаларига ихтиёрий равишда кириш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат муроти қўйилсинки, "Тошуйжойинвестқурилиш" корпорацияси таркибидан бўлган пудрат қурилиш трестларининг ва айрим саноят корхоналарининг давлат ихтиёридаги акциялар пакетларини республиканинг фонд бозоридан эркин савдода, шу

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 11 апрел.



### СУВ КЕЛТИРГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Хоразм сув қурилиш трести жамоаси вилоятнинг барча ҳужаликларига сув иншоотлари қуриб топшириши, янги ерлар очилиши ва сугорилаётган ерларнинг мелiorатив аҳолини ахшиллаш каби бир қатор ишларни олиб борадилар. Жами икки ярим миң ишчи хизмат қиладиган бу трестнинг ташкил этилганлигига ақинда 30 йил тўлди. Жамоа аъзолари ўтган 1999 йилни муваффақиятли яқунлаган эдилар. 2000 йилги режалари эса янада улкан. Айни пайтда трестда янгидан

269 гектар ер узлаштирилди.

СУРАТДА: Тошқоқа қурилиш монтаж колоннаси бўлдоғичеси (чапдан) Мурод Матқубов, иш юритувчи Пулат Давлатов, Хоразм сув қурилиш трести бошқарувчиси Йўлдош Худойбергенов ва меҳнатқиланган кўча жамаатма бошлиғи Баҳром Рўзимуродовлар.

**Р. ЖУМАНИЕВОВ**  
(ЎЗА) олган сурат.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI DA

Биз ўз олимизга ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Уни амалга оширишда табиийки, адвокатларнинг муваккаби ошириш бўғини кунда асосий масалалардан бирига айланган ҳам бежиз эмас. Улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларда белгилаган. Модомки шундай экан, жойларда ушбу қонунларга қандай амал қилинмоқда? Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала, яъни адвокатлар фаолиятига боғлиқ юқоридаги қонунларнинг Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди. Йиғилиши қўмита раиси Н. Исмомов олиб борди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Э. Бозорбоев, Тошкент вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Э. Холматов, Тошкент шаҳар

бизнесни ҳуқуқий ҳимоя қилишда адвокатларнинг ўрни сезилмапти.

Адвокатлар ассоциациясининг адвокатлар фирмалари, бюрolari ва ҳайъатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, адвокатларнинг жисолашуви ҳамда адвокатура тизимининг муваккаби қўтаришдаги роли етарли эмас.

Айтиш жоизки, йиғилиш очик-ошқора рўхда ўтди. Қўмита аъзолари, давлат органлари вакиллари ҳам, хусусий фирма соҳиблари ҳам ўз муносабатлари ва тақлиф-мулоҳазаларини эркин тарзда билдирдилар. Қўрилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда тегишли ҳокимликлар, адлия органларига адвокатларнинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, касб маҳоратини, юридик хизмат сифатини оширишда қўмақлаштириш тавсия этилди.

Мажлисда амалдаги қонунларга адвокатнинг муваккаби янада оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги тақлифларни ишлаб чиқиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикасининг ўринбосари Ф. Мухитдинова, Президент давонини Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари И. Назаров муҳокама этилган масала юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

**Исमत ХУДОЁРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### VAZIFALAR BELGILANDI

ФАРҒОНА вилоятида сўғити пайтларда ўтказилаётган турли-туман йиғилишларида эришилган ютуқлардан кўра йил қўйилган камчиликлар таҳлил, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида кўпроқ мулоҳаза юритилиши одат тусига кириб қолди. Қуни кеча вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг биринчи чорак якунида таҳлилга бағишланган йиғилишида ҳам шундай бўлди.

Вилоятда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш бора-бора сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганига қайд этиб ўтилди. Хусусан, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 109 фоизга, халқ истеъмол моллари таърилади 119 фоизга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 106 фоизга ўсганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда масала бошқачасига қўйилди. Мамлакатимизда жуда катта иқтисодий, моддий ресурсларга эга бўлган вилоятнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмай-пти? Бу саволга сўзга чиққанларнинг кўпчилигини ижобий жавоб олинмади. Иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этиш, қўмтабаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, микрокредитлардан фойдаланиш, мулкни давлат таъсириндан чиқариш борасидаги ишлар Ўзбекистоннинг вилоят Кенгаши сессиясида қўйган талаблари даражасида бўлмапти. Кредиторлик қарзлари дебиторлик қарзларидан икки хисса ортиб кетган. Бюжамандларнинг бюджет олдидаги қарзи 12 миллиард соғма етиб қолди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси Аҳборот-таҳлил бошқармаси раҳбари Г. Саидова сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

ҚАШҚАДРЁДА вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2000 йил биринчи чораги якунида ва халқ ҳўжалиги тармоқларида иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлди. Бу масала юзасидан вилоят ҳокими Ш. Бегматов маъруза қилди.

Чорак кўрсаткичлари шунч қўрсатяптики, вилоятда саноят, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражаси қониқарли эмас. Янги академик лицей ва коллежлар қурилишида оқсағи йўл қўйилган. Аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш бўйича белгилаган режа бажарилмапти. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам камчиликлар талайгина. Вилоят корхона ва ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қамаймапти.

Йиғилишда баҳорда дала ишларини муваффақиятли якунлаш, барча соҳаларда ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**А. ТАЙПАТОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналар иши самардорлигини янада ошириш, босма нашрларни республика аҳолисига ўз вақтида етказиш, уларни етказиб беришни жадаллаштириш ва танларини пайсатириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилашсинки, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва компания таркибига кирувчи корхоналар 2000 йил 1 майдан бошлаб 2003 йил 31 декабргача ялли даромаддан беш фоиз микродорида солиқ тўлайдилар ва ялли даромаддан Республика йўл жағғармасига 0,5 фоиз микродорида маблағ ажратадилар, бўшаб қолган маблағлар матбуот тарқатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилади.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2000 йил 1 майдан бошлаб 2003 йил 31 декабргача "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясига давлат бюджетидан даврий матбуотни авиация ва темир йўлда ташин билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини қоплаш учун мақсадида фойдаланиладиган маблағлар ажратишни назарда тутсин.
3. Қўйилди: "Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва компания таркибига кирувчи корхоналарга электр энергиясини "Носанат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари" истеъмолчилар бешинчи гуруҳи бўйича бериш;
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари В.Й.Отаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 13 апрел.

## VAZIRLAR MAHQAMASIDA UCHRAVISH

Шу кунларда мамлакатимизда Хитой Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга ХХР ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазирининг ўринбосари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик вазирлигининг ўзбекистон-Хитой қўқуматларо комиссияси раисидош Чжан Сан бошчилик қилмоқда. 13 апрел куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб, Бош вазир Утқир Султонов билан учрашди.

Мамлакатимизда хитойлик ишбилармонлар ҳамкорлигида ўнлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Учрашувда бундай ҳамкорликнинг жуда муҳим экани, узаро муносабатларни янада юқори босқичга кўтарishi имкониятлари қўлини қайд этилди. Давлатларимизнинг жўғрофий яқинлиги, энг асосийси, ҳар икки мамлакат ҳукумати савдо-иқтисодий алоқалар борасидаги сиёсатни ақдиллик билан қўллаб-қувватлаётгани диққатга сазовор.

Чжан Сан Ўзбекистон Хитой учун Марказий Осиёдаги муҳим мамлакат экани, унинг иқтисодий имкониятлари ақдорлигини таъкидлади ҳамда ҳар икки мамлакат ҳам кенг қўллами ва тенг ҳамкорликда манфаатдордир, деди.

Шу кун "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам сифатида грант ажратиш борасидаги Алмашув хати имзоланди. Хитой халқи ва ҳукумати Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига дўстона тўғрулар рағиш имсоқли сифатида ажратилган ушбу грант икки томонлама ҳамкорлик дастури доирасидаги соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш лойиҳасини амалга оширишга сарфланади.

**(ЎЗА)**

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUCIYAVIY SUDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Конституциявий суд раиси Б. Эшонқов бошқариб, бундай ҳолат учун жиний жавабгарлик Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини қўриб чиқиш учун Олий Мажлисга киритиш ҳақидаги масала муҳокама этилди. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан киритилди.

Мажлисда таъкидланганидек, қонун ҳужжатлари судлов ишлари бўйича эксперт иштирокини назарда тутди. Шундан, эксперт жиний, фуқаролик, ҳўжалик ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича сурштирув, даълобни тергов ва судда қўриб чиқиш жараёнида тақлиф қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 240-

## ДИККАТ, ТАНЛОВ! "ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ"

Ўзбекистон Оммавий аҳборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағғармаси ҳамда "Тасвирий ойна" Республика ижодий уюшмаси аънавий "Энг улуг, энг азиз" Республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда (публицистика, тасвирий санъат, фото) қуйидаги мавзулар юқак маҳорат ва таъсирчан услубларда ёритилган бўлиши лозим:

- она-Ватан меҳр-муҳаббат,
- миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги,
- кишилар онгида, руҳиятида, тафаккурда рўй бераётган маънавий, маърифий ва мафқуравий ўзгаришлар,
- мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари.

Танлов гоилиблари 2000 йил Мустақиллик байрами арафасида аниқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танлов гоилибларини қуйидаги муқофотлар кутади:

- 1 ўрин (битта) — рангли телекөзгир
- 2 ўрин (иккита) — фотоаппарат
- 3 ўрин (учта) — диктофон

Танловга топшириладиган ижодий ишлар матбуотда эълон қилинган бўлиши шарт. Ижодий ишлар тахририят тавсияси билан шу йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

700129, Тошкент ш., Навоий кўчаси  
30, 2 қават, 31-41 хоналар,  
телефонлар: 144-69-65, 144-37-87

## Республика молия органлари томонидан бюджет ташкилотлари ишчи-хизматчиларига тўланадиган иш ҳақлари бюджетдан ўз вақтида молиялаштириш бўйича барча имкониятлар йўли солинапти. Бирок жойлардаги айрим маҳаллий ҳокимиятлар ва бюджет муассасалари раҳбарлари қонуннинг ҳақ-ҳуқуқларини поймад қилмоқдалар.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ҳақ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлиmlари ходимларининг иш ҳақлари қамтарона бўлса-да, мазкур бўлиmlарнинг раҳбарлари ана шу иш ҳақлари ҳисобидан турли хил жағғармалар, уюшмалар, хайрия ташкилотларининг газзаларини тўлдирish борасида устаси фаранг эканликларини кўрсатишди. Бу ҳол Ўзбекистон Республикасини Молия вазирлиги Назорат-тағтиш Бош бошқармаси ўтказган текширувларда рўй-рост очиб ташланди.

Туман халқ таълими бўлими мудир Х. Жамоловнинг «уддуборун»лигини қарангки, туман ҳокимлигининг шу йил 13 январдаги «Экосан» жағғармаси бўлимининг ҳисобига пул ўтказиб бериш тўғрисидаги хатига «лаббай» деб жавоб қайтариб, қўп уйлаб ўтирмай, осонгина усулни қўлади. Халқ таълими бўлими ходимларининг 2000 йил феврал ойи учун иш ҳақларидан 37,3 миң сўмини асосиз ушлаб қўлиб, юқори ташкилот олдидаги ўз вазифини «аъло» даражада бажарди. Ҳақли савол туғилди: у амалдаги қонунчиликка асосан, ойлик иш ҳақидан ушлаб қўлиш фақат жамоа

лашдан уялмайди. Улар ҳеч иккиланмай, муассасага ажратилган 80 миң сўм бюджет пулини «Маҳалла» хайрия жағғармаси бўлимига ўтказиб юбордилар.

Бундан ачинарли ҳол Бухоро туманида ҳам кузатилди. Туман ҳокимининг хатига биноан, марказий касалхона раҳбарлари ходимларининг 2000 йил январ ойи учун иш

## САБОҚ

казий касалхонаси маъмурия-ти ҳам шу зайдда иш тутиб, 2000 йил феврал ойи иш ҳақини молиялаштиришга мўжжалланган бюджет маблағлари ҳисобидан 45 миң сўмини туман коммунал ҳўжалик бўлимининг шанбалик жағғармасига ўтказиб юборган. Миразабод тумани ҳокимининг 2000 йил 24 январдаги қарори эса туман халқ таълими бўлими раҳбарларига 38 миң сўмини, соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарларига 30 миң сўмини меҳнат жамоалари розилигисиз шанбалик жағғармаси ҳисобига ўтказиб беришларига асос бўлди.

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани марказий касалхонаси бош шифокори М. Турсунов «тиришқоклик» ҳаммадан ўтиб тушди. У туман ҳокимининг фармойишига кўра, касалхонанинг биринчи даражали харажатлари учун ажратилган бюджет маблағларидан 223,9 миң сўмини шанбалик ўтказиш бўйича очилган ҳокимиятнинг махсус ҳисобига ўтказиб юборди-ю, доғда қолди.

Юқоридаги мисолларда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари ходимларининг иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш биринчи даражали вазифа экан-

лигини «унтишлар» бўлиши, мана бу мисолларда эса бюджет маблағларини ишлатишдаги найрағибозликларга, аниқроғи, 16 ёшгача болалар бўлган оилаларга нафақалар тўлаш учун аниқ даромадли микдори кўрсатилган маълумотномаларни қалбақлаштириш орқали асоссиз пул тўлаш усулларига гувоҳ бўламиз. Бундай «усул», хусусан, Урганч шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласида (раиси Х. Шарипов) жуда «қўп» келди. Бу ердаги маҳаллий меҳнат биржалари ходимларининг лояқатлиги оқибатида оилапарнинг даромадлари тўғрисидаги қалбақли маълумотларни тақдим этган бир қатор фуқароларнинг маълумотларини орқали 1,1 миллион сўмдан ортиқ пул маблағи топширилди, улар «ўз зағарига» белгилашди. Ана шу қалбақли маълумотномаларни таъйишга мазкур ҳудуддаги шифокор Г. Матқубов ва Н. Аҳмедовлар фуқароларга қўндан «ёрдам» беришгани аён бўлди.

Айниқса, Қашқадар вилояти Камаш тумани халқ таълими бўлими раҳбарлари (мудир С. Абдуқодиров, соғиб бош ҳисоби Н. Дибиров) бўжгалтери ҳужжатларини қалбақлаштиришда ўзига хос «ре-

қорд» ўрнатилган. 1999 йил давомда улар шу йўл орқали халқ таълими ходимларини иш ҳақига тўлаш учун бюджетдан ажратилган 3,3 миллион сўмдан зиёд маблағни «ҳазм» қилиб юбордилар.

Ҳар бир нарсанинг хотимаси бўлгани каби, мақолада зикр этилган қонунбузарликларга ҳам сўғити нўқта қўйилди. Бюджет интизомини бузганлиги учун, Молия вазирлигининг маъмурий жавабгарликларни қўллаш комиссияси қарорига кўра, Наманган вилояти Мингбулоқ тумани марказий касалхонаси бош ҳисобчиси М. Турсуновга энг кам иш ҳақининг беш баробар микродорида жарима солинди. У ана шундай қонунбузарликка йўл қўйган тақдирда жиний жавабгарликка тортилиши мўқаррадир.

Иш ҳақи ва нафақаларни тўлашда қонунга хилоф равишда иш тутган, юқорида номлари қайд қилинган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлиmlари, шунингдек, Урганч шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласи кўмитаси раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан эса тегишли чоралар қўриш учун текширув ҳужжатлари учун текширув ҳужжатларига тақдим этилди. Уйлабиким, ҳар ким қилинишига яраша жазо олади. Бу эса бошқаларга сабоқ бўлишига умид қиламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.**



ТУРНАЛАР ПАСТАБ УЧДИ...

Март ойнинг сўнги кунлари анча тафти келди. Юртимиз жанубида ҳарорат ҳатто, ўттиз даражадан ошди. Беш-олти кун ёмғир ҳам тортилиб, қирларнинг кунгай тарафидаги баҳорий ўт-уланлар сарғиш тусга кирди...

ДЕХОН ЧЕХРАСИДАГИ ТАБАССУМ

"Чияли" ширкат ҳўжалиги нафақат Чирокчи туманида, балки Қашқадарё вилояти бўйича ҳам йирик ҳўжалиқлардан бири саналади. Бу ерда йи-гирмага яқин киш-лоқларда 40 минг-дан зиёд аҳоли исти-комат қилади.

Чиялининг кун чикар тарафидаги Қамаш сарҳадларидан бошланиб, кун ботишдаги Кўнғиртов этакларига тақалиб борган бепоев "Озгикен" даштани баҳал-дек қоплаб ётган ям-яшил майсалар ҳам чанқади. Баҳорнинг майингина шабадаси таъсирида бир текис чий-қалаётган бўғдой ниҳоллари гўё ёмғир сўраб кўкка му-ножат қилаётгандек...

Фалсафорларни кўздан ке-чириб юрган "Чияли" шир-кат ҳўжалиги раиси Сулай-мон Абдуғафоров йил чан-гидан хира тортган йиғон гардишли кўзойнагини хаф-сала билан тозалаб, қайта таққач, урф тарафга бир муқдат сарқ олиб чиқарди.

— Адоқ томондан туянинг ўрқачидай қора булутлар чий-қалаётган, — деди ёни-да турган муовини Абдуғаф-фор Рузиевга. — Осмонда зўрға "қадам олиши"га қара-ганда, роса ёмғир билан тўйинганга ўхшайди. Агар яна "тентак шамол" кўзга-либ, ортига қувиб юборма-са, экинларимиз бир яйрай-ди-да.

— Чиндан ҳам, бугун ём-ғир ёғиши керак, — дея унинг гапини маъқуллади Рузиев ҳам ўша ёққа тики-либ. — Эрталабдан бери турналар ҳам пастлаб уча-япти.

— Қадимгиларнинг гапи-да ҳикмат кўп-да, — деди раис бу гапдан ана-да умид-лариб. — Ўзи, қачон турна-лар ерга тўшниси бериб учса, худо осмондан бир нарса беради.

Шу пайт оқоридан "қурей-қурей" деган овоз келди. Бир гала турналар «Озгикен» далалари узра

қўл узатса еттудек балан-дикда, ипта тизилган мар-жондек учиб борарди.

Адоқ томонда кўринган булутлар эса тобора яқин-лашиб келмоқда эди.

Қандай яшайсиз, қишлоқдош?

жада ҳўжалиқда 12 минг-тоннадан зиёд бўғдой тай-ёрланди. Белгиланган 9160 тонна ўрнига 11 минг 760 тонна дон давлатга сотилиб, бу борадаги режа 128 фоиз бажарилди. Чиялилик деҳ-қонлар жорий йил ҳосилига ҳам пухта ҳозирлик қўриш-ди. Ўтган йилнинг кўзида барча майдонлар сифатли шудгор қилиниб, сара уруғ қадалди. Агротехника тад-

эди. Унинг ўзи ҳам шу эл-нинг фарзанди эмасми, ҳўжалиқнинг паст-баланди-ни, чиялиликларнинг феъл-атворини яқши билади. Та-биатан танти, меҳнаткаш Чияли деҳқонлари ҳеч вақт ишдан бўйин товламайди. Фақат раҳбар уларнинг ди-ляги йўл топа билиши ке-рақ. Янги раис ҳам, энг ав-вало, мана шу нарсага эъти-бор қаратди. Деҳқонлар би-

"Чияли" ширкат ҳўжали-ги республика "Ўзбек қора-қўли" компанияси тасарру-фига кирди. Чорвачилик соҳасини кенгайтиришнинг хосияти кўп, албатта. Кей-инги йилларда бу ерда чор-ва моллари сонини мунта-зам кўпайтириб боришга эришиляпти. Жумладан, 1998 йили ҳўжалиқда 13 жуд қўй-эчкилар сони 17 минг 826 бошни ташкил эт-

бўйи яйраб ўтлаши учун бу майдон камлик қилади. Турғи, саратонда галласи ўриб-йиғиб олинган ангор-ларда қолган бошоғу сомон-лар, ўт-уланлар ҳам бир неча ой давомда қўшимча тўйимли озуқа вазифасини ўтайди. Аммо ана шу ерлар фермерларга бўлиб бери-лаётганлиги сабабли, яй-лоқ майдони тобора қисқа-риб бораёпти. Бунинг усти-

кўпчилик ёшларни тўлиқ иж-тимоий фойдала меҳнатга жалб этиш ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Оқибатда уларнинг бири қисми пул то-пиш илинжида катта ша-ҳарларга йўл олишляпти.

Аслида, бу масалага ту-зукроқ эътибор бериб, ҳара-кат қилинса, муаммонинг ечимини топиш мумкин. Ми-сол учун, Чиялида қандолат-чилик, гиламдўзлик, темир-чилик, устачилик сингари бир қанча халқ ҳўнарман-дчилиги турлари азалдан мавжуд. Назаримда, ёшлар-га ҳам ана шундай хунар

шундаки, мутахассислар-нинг аниқлашича, Чияли-нинг ўртасида ястаниб ёт-ган Қумдарёнинг қумидан кварц билан бойитилган шифа ишлаб чиқариш мум-кин экан. Бир вақтлар ана шундай қорхона қуриш ҳақида ҳам гап-сузлар бўлган эди. Аммо бундай ишшоотни ҳаракатга келти-радиган асосий қувват ман-баи ҳам табиий газ экинли-ги барчага аён эди. Ажаб эмас, келажакда Чиялида ҳам шифа заводи қад рост-ласа. Орузга айб йўқ, дей-дилар...

Чияли — маълуму маш-хур гўша. Чияли бозорининг доврўгини ҳам эшитмаган, дейсиз? Чиялиликлар ҳам бугунги кунда барча юрт-дошларимиз қатори Ватани-миз равнақа йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда. Улар эртанги ёруғ кўнларимизга нисбатан қатъий ишонч руҳи билан, юракларида улкан орзу-умидлар билан яшаша-япти. Зотан, ойдан орзулар кишини ҳамisha янги ман-зиллар сари ундаб туради.

ЯШИЛА МАЙСАЛАР РАҚСИ

... Адоқ томондан чиқиб келган туянинг ўрқачидай "огир қарвон" булутлар аста-секин "Озгикен" дал-ларини ҳам бир текис қоп-лаб олди. Хўр-хўр эсаётган майингина қўқлам еллари аллақайлардан намхуш бир ифори олиб келди. Бу ёқим-чи тумани афроси учун ҳам ҳамон орзу бўлиб қолмоқ-да.

Яқинда қўшни "Қўқдала" ҳўжалиғига табиий газ тор-тиб келинди. Қўшнлар хо-надонида порлаган шуъла чиялиликларнинг кўнглида анчадан бери армон бўлиб келатган яна бир орзуни ҳам қайта алангалатгандай бўлди. Қўқдала билан улар-нинг ораси — бир қаддам. Насиб этса, ҳадемай бу ер-ларга ҳам "тангори олов" кириб келишига шубҳа йўқ. Табиатнинг бу ажиб неъмат-и Чияли қишлоқларини ўз тафтидан баҳраманд этиши билан бирга, бу ерда сано-атнинг ривожланишига ҳам туртки бўлиши мумкин. Гап

Фафур ШЕРМУҲАММАД "Халқ сўзи" муҳбири.

АБРИ НАЙСОН ИФОРИ

бирлари ўз вақтида амалга ошириб келинаёпти. Насиб этса, бу йил ҳам мўл ҳосил олиш мўлжалланган. Дар-воқе, Қашқадарё вилояти ҳўкимининг қарори билан "Чияли" вилоят бўйича лам-ми ерларга дон уруғи қадалган бўлса, аҳолининг ҳам ақсарият қисми томор-қаларида ўз эҳтиёжлари учун шу экинни экишган. Қўқламда об-ҳаво яқши кел-са, саратонда хирион мўл бўлади. Қарабизаки, ҳўжа-лик аъзолари белгиланган режаларни бажариб, ҳам давлат олдида юзлари ёруғ, ҳам уларнинг томорқала-рида етиштирилган галла ҳўсибидан омборларни дон-га тўлиб, қўнғиллари хотир-жам бўлади.

Чорвачилик соҳасида ҳам шундай. Хозир ҳўжалик ҳўсибидати қорамоллар сони 1511, қўй-эчкилар сони 15 минг бошни таш-кил этди. Туман қишлоқ ҳўжалиғида салмоқли ўрин тутадиган йирик ҳўжалиқда-ги бундай нохуш ҳолат бил-лан асло мурроста қилиб бўлмас эди. Шу боис ўша йилнинг охирида янги раҳ-бар тайинланди. Ана шу ва-зифани ўз зиммасига олган Сулаймон Абдуғафоров кўп йиллар мобайнида тур-ли ҳўжалиқларга бошчилик қилиб, катта тажриба тўпла-ган, эришган ютуқлари ана-мунча тилга тушган

лан бамаслаҳат ишлаб, ҳўжалиқнинг қаддини тик-лаш чораларини қидира бошлади.

Орадан кўп вақт ўтмай, бир қатор тармоқларда ўнлашларга кўзга ташлана бошлади. Ҳўжалик аъзола-ри 1997 йили 3,5 миллион сўм фойда билан яқунлаш-ди. Ўшбу кўрсаткич 1998 йилда 30 миллион сўмни, ўтган йили эса 64 миллион сўмни ташкил қилди. Нати-жада Чиялининг ламликор деҳқонлари чехрасига ҳам табассум югурди. Ўтган давр давомида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Шу мақ-садда 5 минг гектар ламли майдон одамларга бўлиб берилди. Бу тадбир мутта-сил давом эттирилмоқда.

ган эди. Ўтган йили эса бу рақам 15 минг 626 тага ет-казилди. Белгиланган 1867 донга ўрнига 3354 донга қоракўл тери етиштирилди. Чиялилик чўпонлар юқори сифатли, экспортбоп қоракўл терилар тайёрлаш-га алоҳида эътибор қарати-шляпти. Бултўр кўзда тутил-ган 7516 бош ўрнига 8115 бош қўзи ва улоқлар оли-ниб, бу борадаги режа 107 фоиз бажарилди. Шу кўн-ларда жорий йил тул мав-сумини самарали яқунлаш-га ҳаракат қилинаёпти.

Шу ўринда кейинги вақт-ларда Чияли чўпонларини ташвишга солаётган бир ма-сала хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Улар ихтиёрида қарийб 7 минг гектар яйлов мавжуд. Албатта, ўн беш минг бош қўй-эчкининг йил

олган ҳолда кичик саноат қорхоналари ташкил этиш керак. Ахир, фақатгина лам-ми деҳқончилиги чорвачи-ликка орқа қилиб, табиат-нинг "қош-қовоғи"га қараб, яшаб бўлмайди-ку?

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Етмишнчи йилларда "Эски анҳор" каналининг қурилиши туфайли Чияли дашларининг бири қисмига ҳам оби-ҳаёт келди. Нати-жада бу ерда сўғурма деҳ-қончилиқка асос солинган эди. Хозир ҳўжалиқда 550 гектар майдонда пахта, бир неча юз гектар ерда мева-сабзавот ва полиз махсу-лотлари етиштирилади. Аҳолининг бири қисми ана шу жойларда меҳнат қила-ди.

Бирок ҳўжалик аҳолининг ижтимоий ҳаётида Чирок-чи туманига хос бўлган иш-сизлик муаммоси, айниқса, буртиб қўрилади. Бу ерда истикомат қилаётган қирқ минг кишининг катта қис-мини ишга яроқли одамлар ташкил қилади. Аммо ҳўжа-лиқда уларнинг ўз минг на-фарга яқини иш билан таъ-минланган, холос. Бундан орғиғига қишлоқ ҳўжалиғи соҳасидан иш топиб бери-шнинг имкони ҳам йўқ. Мак-табни битириб чиқаётган



Чиялилик чўпонлар юқори сифатли, экспортбоп қоракўл терилар тайёрлаш-га алоҳида эътибор қарати-шляпти.

Термиз шаҳрида Сур-хондарё вилояти ҳўким-лиги, вилоят хотин-қиз-лар кўмитаси, ҳўқимлик хузуридаги фан ва тех-ника маркази ҳамкорли-гида "Аёл-она, аёл —

ОЛИМАЛАР АНЖУМАНИ...

олима" мавзуида семи-нар-кенгаш ўтказилди. Олима аёллар иштирок этишган, қизгин баҳс-му-

нозаралар асосида кечган анжуманда мустақиллик йилларида вилоятда илм-фан тараққиёти, унда оли-

маларнинг ўрни, тиббиёт соҳасида олиб борилаёт-ган илмий-тадқиқот ишла-ри, эришилаётган амалий

натижалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар бил-дирилди. Хар қандай илм ҳам амалиётга, ҳаётда наф берсагина эътиборга лойиқдир. "Туркистон-пресс".



"ТЕРГАЧИ"

ШУҲРАТИНИ ТИКЛАМОҚДА

Косонсой туманидаги "Тергачи" қишлоқ ҳўжа-лик қорхонаси фаолиятида ўтган йилги тўб бўри-лиш ясади. Кейинги йилларда қолқор қато-рига тушиб қўлган мазкур ҳўжалиқда барча соҳа-лар бўйича режалар орғиғи билан удаланди, тер-лар таъмирларнинг юзи ёруғ бўлди. Бир пайтлар вилоятда машҳур бўлган "Тергачи" ўз қадрини тиклай бошлади. Ҳўжалик аъзолари жорий йил-да 900 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. 44 гектар ердан режадаги 27 ўрнига 30 центнердан

пахта, 363 гектар ердаги галла экинларидан 50 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашаётган жамоа аъзолари айни кунда баҳорги экин-тикин юмушларини ниҳонсига етказмоқда. Қорхона аъзолари қўлга киритаётган ютуқларда 31 йилдан бунди механизаторлик қасбини ардоқлаб келётган Ҳасанбой Бобоевнинг ҳам улуши катта.

СУРАТДА: ялгор механизатор, ёшлар устози Ҳасанбой Бобоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

УРГАНЧНИНГ ЯНГИ АЭРОПОРТИ

Урганч шаҳри аэропортида янги аэровокзал мажму-нинг очилиши ва фойдаланишига тошйирлишига бағиш-ланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Бугунги кунда қадимги Хоразм воҳаси бутун дунёдан қўллаб сайёҳлар-ни ўзига жалб этмоқда. Меҳмонларни эса бугунги кун талабларига мос янги қиёфага эга бўлган Урганч аэропортида қарши олишляпти.

Мазкур аэровокзалнинг қурилиши бундан бир йил аввал бошланган эди. Бунгача замонавий-лаштириш ишларининг дастлабки босқичи амалга оширилди, яъни учиб ва қўниш йўллари таъмирланиб, ёруғлик сигнал ускуналари алмаштирилди, само-лётлар қўниш тизими монтаж қилинди. Йўлов-чиларни қабул қилиш учун барча қулайликларга эга бўлган шинама павильон қуриб битказилди. 1998 йилнинг июл ойида "Ўзбекистон ҳаво йўл-лари" Миллий авиа-компанияси ишларнинг иккинчи босқичини бажариш учун халқаро савдо тендерига голиб

чиққан "Ланг Аларко Марубени" консорциуми билан шартнома тузди. Қурилиш ишларининг иккинчи босқичида аэровокзал йўллари, перронлари ва бинолари таъмирланди, шунингдек, ҳаво ҳаракатларини бошқариш тизими ва радиолокаторлар учун бинолар ҳамда янги аэровокзаллар қурилиши амалга оширилди.

Шунингдек, бир йил ичида 200 минг квадрат метр аэродром майдон-лари барпо этилди, учта радиолокатор қўшимча станциялари биноси ва бир қатор ёрдамчи ишоотлар қурилди.

Урганч аэропорти эндиликда халқаро мақомга эга. Бу эса йўловчилар ва юк ташин-ни кенгайтириш, учини қулайликларини ошириш ва юқори даражадаги хавфсизликни таъминлаш учун катта имконият яратди.

(ЎЗА)

ЁШЛАР САНЪАТИ КЎРИГИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий универ-ситетининг маданият саройида Респуб-лика олий ўқув юрт-лари талабалар те-атр-студияларининг "Ниҳол-2000" фести-вали бошланди. Бу йил иккинчи марта ўтказилаётган анъанавий фести-валнинг дастлабки босқичида Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олтишдан зиёд ҳаваскор жамоа иш-тирок этди. Голиб-лар пойтахтга ўзлари-нинг энг яқши сахна асарларини олиб кел-ган. Бир ҳафта давом этадиган мазкур тад-бир талаба ёшлар-нинг ижтимоий ҳаёт-да фаол иштирок эти-шини таъминлаш, улар қалбига юксак маданият ва маънави-ят, миллий гоё ва миллий мафқурани чуқурроқ сингдириш мақсадида ташкил этилган. Тадбир ёшларнинг бадиий-эстетик савиясини ошириш ҳамда тур-ли зарарли оқимлар таъсирига берили-шининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, фести-вал талаба ёшлар орасида соғлом тур-муш тарзини тарғиб қилиш, ҳаваскорлар жамоаларининг ма-даний муассасалар билан ҳамкорлигини мустақамлашга ҳам хизмат қилади. (ЎЗА)

Сурхондарё вилоят ҳўқимлиги билан Ита-лиянинг "CSB инже-неринг SPL", Литва-нинг LT-CO" компания-лари ўртасида Шеро-боннинг тоғли Зара-боғ массивидаги Кам-пиртепа гранитини қазиб олиш ва қайта ишлаш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Хужжатга биноан, Ше-рободда қурилажак қорхона бир йилда 1650 квадрат метр плита, 1500 метр кон-дицион блок, катта ҳажмдаги манзарали шағал, габбро ва бошқа хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Махсулот-нинг асосий қисми хорижа экспорт қилинади. Чори ТҮҲТАЕВ, ЎЗА муҳбири.

БАНК - ТАДБИРКОР ЁРДАМЧИСИ

"Пахтабанк"нинг Қашқадарё вилоятида-ги бошқармаси томонидан республика Ва-зирилар Маҳкамасининг "Фермерларни, ху-сусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш борасида сези-ларли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорағида "Пахта-банк" ресурслари ҳисобидан тадбиркорлар-га 47 миллион 242 минг сўм кредит ажра-тилди. Масалан, Косон туманидаги "Фар-ход", Қарши туманидаги "Сайқал" деҳқон-фермер ҳўжалиқларида 3 миллион сўмдан, Чирокчи туманидаги "Нурман бобо" фер-мер ҳўжалиғига 2 миллион 200 минг сўм кредит берилди. Бошқармада яқна тартиб-да тадбиркорлик фаолияти билан шуғу-ланаётганларга микрокредитлар ажратили-шга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Чу-нончи, уларга 350 минг сўмдан 1 миллион сўмгача миқдорда кредит берилляпти. Бундан ташқари, бизнес-режаси ижобий ҳулоса олган 5 нафар тадбиркор Балчиқ жамғармаси, уч нафар тадбиркор эса "Биз-несфонд" ҳисобидан кредит олди. А.ТАЙПАТОВ, ЎЗА муҳбири.

ЎҚУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Сиз азизларни 2000 йил 26 апрел куни соат 11.00 да Республика биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

- 1. "УАЗ" - 3303 русумли (бортли), давлат рақами 10 АС521, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси 650 минг сўм.
2. "УАЗ"-3741-01 русумли, давлат рақами 10 АС519, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси 700 минг сўм.
3. "Москвич" ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 10 АС520, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси 250 минг сўм.
4. "Москвич" АЗЛК 2410 русумли, давлат рақами 10 АС763, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси 200 минг сўм.
5. "РАФ" - 2203 русумли, давлат рақами 10 АС522, 1981 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси 700 минг сўм.
6. "РАФ" - 2203 русумли, давлат рақами 10 АС505, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси 800 минг сўм.
7. "Жигули" ВА3-2121 русумли, давлат рақами 10 АС761, 1990 йилда ишлаб чиқарилган авто-машина. Бошланғич баҳоси 650 минг сўм.
8. Прицеп "ГКБ"-817 русумли, давлат рақами 5312 ЕФ, 1984 йилда ишлаб чиқарилган авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 200 минг сўм.
9. "ПАЗ"-672 русумли автобус, давлат рақами 10 АС508, 1987 йилда ишлаб чиқарилган авто-машина. Бошланғич баҳоси 2 млн. сўм.
10. "ПАЗ"-672 русумли автобус, давлат рақами 10 АС516, 1984 йилда ишлаб чиқарилган авто-машина. Бошланғич баҳоси 1 млн. 800 минг сўм.

Мазкур автомашиналарга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, "Бухоро" кўчаси, 10-уй. Телефонлар: (99-871) 136-15-29, 136-28-75. Факс: (99-871) 136-06-17.

Соғлом авлод йили

Чароғбоним болам дерман

Соғлом авлодни тарбиялашда тиббиёт ходимларининг алоҳида ўрни бор. Зеро, чақалоқ дунёга келган пайтдан бошлаб унинг саломатлигини асраш оқ ҳалатли юртдошларимиз зиммасида.

Тиббий кўриққа олиб келмаганлиги боис чақалоқ чалинган касаллик ривожланиб кетади деб нолишарди. Ҳозирда бунга ҳам барҳам берилди. Эндиликда шифокорларнинг ўзлари хонадонларга бориб, болажонларни тиббий кўриқдан ўтказишарди.



бўлажак. Чароғбоним болам дерман, деб шунга айтсалар керак-да.

Манзура ШАРИПОВА.

ДАСТУР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилоятида "Соғлом авлод" дастурини бажариш борасида анча ишлар қилинган. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Гулистон шаҳридаги "Гулшан" болалар ижодиёти уйида бўлиб ўтди.

ни кучайтириш, ёш авлодни руҳан пок, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш йўллари ва усуллари тўғрисида батафсил тўхталди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Кушхабар

Ёшлар мусобақаси

Жиззах шаҳрида ўрта махсус, касб-хўна тарбия тизими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича республика биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди.

Мусобақа якунларига кўра, Жиззах вилояти футболчилари биринчи, Тошкент вилояти спортчилари иккинчи ва андижонликлар учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Мотопоёга мусобақаси

Жиззахдаги Наврўзбулоқ трассасида мотопоёга бўйича Ўзбекистон чемпионатининг учинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақа якунига кўра, Зарафшон марказий кон бошқармаси мотопоёгачилари биринчи, Навоий кон-металлургия комбинати спортчилари иккинчи, Тошкент вилояти Қибрай тумани бирлашган техника мактаби жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Йўлчи ЖўРА, ЎЗА мухбири.

Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз! КўРИҚЛАШ-ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ

БИР ҚАТОР ЯНГИ ЧЕГИРМАЛАР 16-18 апрел кунлари барча қизиқувчиларни телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари "Uztel-2000"

- кўргазмасидаги «Vinlad» ИИК нинг стендини томоша қилишга таклиф этамиз. «Vinlad» ИИК кўйидаги ишларни амалга оширади: керакли маълумотлар олиш, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш бўйича объектни лойиҳалашга тайёрлаш; керакли жиҳозлар ва материалларни етказиб бериш; ўрнатиш, созлаш-ишга тушириш ишлари; буюртмачига тизимларни топшириш; кафолатли ва кафолатдан сўнгги хизмат кўрсатиш; буюртмачи ходимларини ўқитиш.

Honeywell Тошкент ш., Кушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс: 50-03-61. Дилер: Фаргона водийси, «АХСИ» ТИИФ, тел: (3732) 26-52-44, 24-19-39.

ҚУРУҚ ГАПДАН-АМАЛИЙ ИШГА

Газетамизда Фаргона вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳар ойнинг охири душанбаси вилоятда «Халқ таълими кун» деб эълон қилинганлиги тўғрисида хабар берган эдик. Шу хайрли ишни амалга оширишда дастлабки қадамлар қўйилди.

засини мустақамлаш деярли эътибордан четда қолиб кетган. Маънавий етишмовчилиги туйғайли сўнгги 3 йил ичида бирор-та мактабнинг парта, стол-стуллари ангилангани йўқ. Йиғилишда маънавият, маърифат масалаларига иккинчи даражали соҳа сифатида қаралаётгани кескин танқид олинди.

Таълим

Маслаҳат йиғинининг дастлаб Марғилон шаҳрида ўтказилганлиги бехиз эмас. Хунармандлар, ипакчилар шаҳрида халқ таълими тизимида долзарб муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тўпланиб қолган.

ларининг етишмаслиги сурункали муаммолардан бирига айланиб қолди. Ҳозир аниқ фанлардан 105 нафар ўқитувчи етишмади. 14 мактабда инглиз тили ўқитувчиси ҳафтасига 24 соат ўрнига 51 соат сабоқ берапти. Рус тили ўқитувчисининг дарс соатлари эса 41 соатга етган.

Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири.

Нукусда Қорақалпоғистон Халқ таълими, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ва "Қамолот" жамғармаси бўлими ташаббуси билан "Сиз қонунни биласизми?" мавзусида кўриктанлов ўтказилди.

БИЛИМДОНЛАР ТАНЛОВИ

Унда иштирок этганлар чуқур ҳуқуқий билимлар соҳиби эканлигини намойиш қилди. Айниқса, ўқувчиларнинг Конституция, қули фуқаролик жамияти қуриш, қонун устуворлигига эришиш йўлида олиб борилаётган ишлар бўйича берилган саволларга жавоблари, айрим ҳаётий лавҳалар очиб берилган сахна кўринишлари нуфузли ҳайъат томонидан юқори баҳоланди.

Шу мавзудаги танлов Қорақалпоғистондаги ўрта махсус, касб-хўна тарбия ўқув юртли талабалари орасида ҳам ўтказилиб, Тахиятош шаҳридаги иқтисодий ва тадбиркорлик коллежи жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири.



БОЛАЛАРГА ҲАДЯ

PFaff SINGER немис концернининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Гулистон шаҳридаги 27-мехрибонлик уйи тарбияланувчиларида компьютерлаштирилган тикув-тўқув машиналарини совға сифатида топширди.

лик хўналарини ўрганмоқдалар. Турли сабабларга кўра, ота-оналарининг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигидан бебахра бўлиб, давлат ҳомиёлигига ўтган болалар учун бу соғвонларнинг қадри бебаҳоидир.



ШОДЛИГИНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Тампере шаҳрида хат ташувчи бўлиб, хизмат қилувчи Еуро Еусеа исмли йигит машинкада тез ёзиш бўйича Финляндия чемпионати унвонига сазовор бўлди.

РЕКОРДЧИ САЛАТ

Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмада намойиш этилган Испаниянинг энг катта миллий салатига ошпазлар — Педро Лерумба билан Томас Серанс 300 килограмм қовурилган жўхори, шунча микдорда картошка, 6 кило қизил гармдор, 75кило пиёз ишлатишди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўғий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Аxbорот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бўлими А—2

Газета PENTIUM-II компьютеризация термиди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Набатчи — Б. ОСТАНАҚУЛОВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.15 1 2 3 4 5 6

ЁШЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«СОҒЛОМ АВЛОД» ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

ҚИСКА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ

«ЯНГИ АВЛОД» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Йилига 36% даромад келтирадиган омонатга маблағлар шу йил 17 апрелдан 20 декабргача қабул қилинади (даромадлар ҳар ойда тўлаб борилади).

Бир ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар олинмаган тақдирда, улар қўйилмангизга қўшилиб боради, фоизлар эса капиталлаштирилади.


Омонат 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган шахсларга очилади.

Омонатни сақлаш муддати 2001 йилнинг 3 январига қадар.

«Таътил» омонати (3 ой муддатли) бўйича фоиз ставкалари оширилиб, йилига 36%, ҳар ойда капиталлаштириш эса - йилига 42,6% бўлганлиги тўғрисида ҳам маълум қиламиз.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — сармоянгиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.

Қушимча маълумотларни кўйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг истаган бўлим ва филиалдан олишингиз мумкин.



«Ўзбек илган» уюшмаси, «Пилла холдинг» холдинг компанияси ва «Шойн» акциядорлик компаниялари бошқаруви ва жамоалари Тошкент насли ипакчилик жамоа ҳужалиги раиси Эркин Тожиёва укаси БЕРДИ ТОЖИЕВНИНГ бевақ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Театр санъати» факультети декани, доцент ҚАҲРАМОН ОРИПОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти консалтинг, аудитор ва ахборот хизмати маркази жамоаси, марказ директори Нўрможон ҳожи Иброҳимовга укалари ОРИФЖОН ҳожиёвнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.